

**“Асака” банк
643 - сон билан
рўйхатга олинган**

**"Асака" банк
Акциядорлар умумий йиғилишининг
2016 йил 10 июндаги
01 - сонли Баённомаси билан**

"ТАСДИҚЛАНГАН"

**«АСАКА» БАНК
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ТЎҒРИСИДА
Н И З О М
(янги тахрирда)**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 2 октябрдаги ПФ-2084-сонли “Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониغا, 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ-56-сонли “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги 104-сонли “Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган 2000 йил 5 июлдаги 943-сонли “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низомга, Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига ва “Асака” банк Уставига мувофиқ ишлаб чиқилди.
2. Ушбу Низом “Асака” банк акциядорларининг умумий йиғилиши (кейинчалик матн бўйича “Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши”)нинг мақоми ва иш регламентини, ваколатларини, акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тартибини, шунингдек, Банк акциядорларининг умумий йиғилишининг ҳуқуқлари, вазифалари ва ваколат доирасини ҳамда жавобгарлигини белгилаб беради.
3. “Асака” банк бошқарув органлари қуйидагилардан иборат:
 - Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
 - Банк Кенгаши
 - Банк Бошқаруви (Ижроия органи)Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши “Асака” банк (кейинчалик матн бўйича “Банк”)нинг юқори бошқарув органидир.

II. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ВАКОЛАТЛАРИ

4. Банк Акциядорларининг умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар кирди:
 - а) Банк уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш;

- б) Банкни қайта ташкил этиш;
 - в) Банкни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
 - г) Банк Кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш;
 - д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
 - е) Банкнинг Устав капиталини камайтириш;
 - ж) Банкнинг Устав капиталини кўпайтириш;
 - з) ўз акцияларини олиш;
 - и) Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, Бошқарув раисини амалдаги қонунчиликда ўрнатилган тартибда танлов асосида сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Банк ижроия органининг фаолияти тартибини белгилаб берувчи низомни тасдиқлаш;
 - к) Банк тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш. Тафтиш комиссияси аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш;
 - л) Банкнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек Банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Банкни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
 - м) Банкнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
 - н) Банк Кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Банкни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Банк Кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссияси хулосаларини эшитиш;
 - о) Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
 - п) акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида белгиланган тартибда қарорни қабул қилиш;
 - р) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
 - с) Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
 - т) Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Банкнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
 - у) Банк Кенгашининг тавсияси бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш, уларнинг миқдори, тўлов шакли ва тартибини белгилаш;
 - ф) қонунчиликда ва Банк Уставида кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.
5. Банк Акциядорларининг умумий йиғилишининг ваколатларига киритилган масалалар Банк Кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қуйидаги масалалар бундан мутасно:
- а) Банк Устав капиталини кўпайтириш ва Банк Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - б) акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш, шунингдек аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - в) Банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида ва корпоратив облигацияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

- г) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- д) Банк Бошқаруви аъзоларини (Бошқарув Раиси ва Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосаридан ташқари) лавозимга тайинлаш уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- е) Банк Устави ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ Банк Кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш.

III. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6. Банк акциядорлари:
- Банкнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
 - Депозитарийдаги депо ҳисобрақамидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
 - Банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
 - Банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
 - Банк акциядорларининг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Банкни бошқаришда иштирок этиш;
 - Банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
 - олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
 - қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
 - ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
 - ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноtijорат ташкилотларига бирлашиш;
 - қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан, бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;
 - Банк акциялари берадиган ҳуқуқларни (ҳуқуқларнинг бир қисмини) қонунчиликда белгиланган тартибда ишончнома асосида ўз вакилига (вакилларига) бериш;
 - Банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар ва уларнинг нархномалари тўғрисида ахборот олиш;
 - ўзларига тегишли акцияларни бошқа акциядорларнинг ва Банкнинг розилигисиз ўзга шахсга бериш ҳуқуқига эга.
7. Банк акциядорлари қонун ҳужжатларига ва Банк уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар.
8. Банкнинг ҳар бир оддий акцияси унинг эгаси бўлмиш акциядорга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради.
9. Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳуқуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.
10. Бир турдаги акция унга эгаллик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.
11. Оддий акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлар Банк Уставига ва мазкур Низомга мувофиқ Банк акциядорларининг умумий йиғилишида ушбу йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин.

12. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви киритилган пайдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.
13. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларни олувчига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайдан эътиборан ўтади.
14. Овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган Банк акциядорлари:
 - Банкни қайта ташкил этиш тўғрисида;
 - Жойлаштирилган акцияларни йириклаштириш ҳақида;
 - қонун ҳужжатларига мувофиқ Банк томонидан мол-мулкни олиш ёки бошқа шахсга бериш билан боғлиқ йирик битим тузиш тўғрисида;
 - Банкнинг уставига овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чекловчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги уставни тасдиқлаш тўғрисида Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми Банк томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақлидир.

Банк Акциядорларни ўзларига тегишли акцияларнинг Банк томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқи мавжудлиги, қайтариб сотиб олиш нархи ва қайтариб сотиб олишни амалга ошириш тартиби тўғрисида хабардор этиши шарт.
15. Банк акциядорлари мазкур Низомнинг 14-бандида кўзда тутилгандан ташқари ҳолларда Банкдан унга тегишли акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилишга ҳақли эмас.
16. Банк акциядорларининг мажбуриятлари:
 - Банк Уставида белгиланган тартибда, миқдор ва усулларда акцияларнинг нархини тўлаш;
 - Мазкур Уставда назарда тутилган чекловларда, Банк бошқарув органларининг қарорларига бўйсунуш;
 - Банк сирини ошкор қилмаслик.
17. Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

IV. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШINI ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

18. Банк ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.
19. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши Банк уставида белгиланган муддатларда, яъни ҳар йили молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.
20. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Банк Кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Банк Кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.
21. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Банк Кенгаши ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, Банк Бошқарув Раиси билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, бекор қилиш ёки уни Бошқарув Раисини тайинлаш бўйича ўтказилган танлов натижаларига кўра қайта тузиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Банкнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлар кўриб чиқилади.

22. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилиш ҳисобланади.
23. Банк Акциядорларининг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришни Банк Кенгаши амалга оширади. Банк кенгаши қуйидагиларни белгилайди:
- Банк акциядорларининг умумий йиғилишини ўтказиладиган санаси, жойи ва вақтини;
 - Банк Акциядорлари умумий йиғилишининг кун тартибини;
 - йиғилиш ўтказиш тўғрисида хабар бериш учун Банк акциядорлари реестри тузиладиган санани;
 - Банк Акциядорлари умумий йиғилишини ўтказиш учун Банк акциядорлари реестри тузиладиган санани;
 - Банк Акциядорлари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида акциядорларга ва давлат вакилига маълум қилиш тартибини;
 - Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим қилинадиган ахборот (материаллар) рўйхатини;
 - Овоз бериш учун бюллетеннинг шакли ва матнини;
24. Аниқ масала қўйилишини акс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, "турли масалалар", "бошқа масалалар", "ўзга масалалар" ва шу сингари таърифларнинг) акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.
25. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Банкнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган Банк акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади. Акциядорнинг талабига кўра Банк акциядорга унинг Банк Акциядорларининг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Банк акциядорлари реестрига киритилганлиги тўғрисидаги маълумотни тақдим этиши шарт. Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида акциядорларга ва давлат вакилига хабар бериш муддати Банк томонидан белгиланади. Бунда давлат вакилини Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кун олдин ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.
26. Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабарда қуйидагилар бўлиши керак:
- Банкнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
 - Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
 - Банк акциядорлари реестри шакллантирилган сана;
 - Умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;
 - акциядорларни ва давлат вакилини Банк Акциядорларининг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши керак бўлган ахборот (материаллар) билан таништириш тартиби.
27. Банк Акциядорларининг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга):
- Банкнинг йиллик ҳисоботи;

- Банкнинг йиллик молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Банк тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси;
 - Банк Кенгашининг Бошқарув раиси билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосаси;
 - шунингдек Банк Кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчилигига) номзодлар тўғрисидаги маълумотлар;
 - Банкнинг уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки Банкнинг янги таҳрирдаги устав лойиҳаси киради.
28. Овозга қўйилган масала бўйича Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, агар Қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Банкнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.
 29. Мазкур Низомнинг 4. бандидаги а), в), е), м), р) кичик бандларида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар, Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.
 30. Ушбу Низомнинг 4. бандидаги а) ва т) кичик банларда кўрсатилган масалалар бўйича қарор, акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан фақат Банк Кенгашининг таклифига биноан қабул қилинади.
 31. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.
 32. Агар акциядор узрли сабабга кўра Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.
 33. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари амалдаги қонунчиликда ва Банк Уставида назарда тутилган тартиб ва муддатларда, ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан 30 кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.
 34. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган Банк акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.
 35. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.
 36. Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) Банкнинг молия йили тугаганидан кейин 60 (олтмиш) кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Банк Кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.
 37. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Банк Кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, Тафтиш комиссиясининг ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санادا Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг ёзма талаби асосида ўтказилади.

38. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядор Акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.
39. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.
40. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:
- Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;
 - Банкнинг овоз берувчи акцияларига эгаллик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;
 - умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;
 - умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади;
 - маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар.
41. Овоз бериш яқунлари бўйича саноқ комиссияси овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади, баённома жумладан акциядорлар умумий йиғилишининг кворуми мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади ва саноқ комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади.
42. Овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузилганидан ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси имзоланганидан кейин овоз бериш бюллетенлари саноқ комиссияси томонидан муҳрланади ҳамда сақлаб қўйиш учун ўрнатилган тартибда Банкнинг архивига топширилади.
43. Овоз бериш яқунлари акциядорларнинг овоз бериш ўтказилган умумий йиғилишида ўқиб эшиттирилади, шунингдек акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин овоз бериш яқунлари тўғрисидаги ҳисоботни эълон қилиш орқали акциядорлар эътиборига етказилади.
44. Акциядорлар умумий йиғилиши баёни имзолангандан кейин саноқ комиссияси йиғилиш ҳужжатларини, шу жумладан, умумий йиғилишнинг рўйхатдан ўтиш рўйхатини, саноқ комиссияси аъзолари томонидан имзоланган муҳрланган овоз бериш бюллетенларини, овоз бериш яқунлари тўғрисидаги баёнларни ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасига қўшиб қўйилиши лозим.

V. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

КВОРУМИ

45. Агар Банк Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

46. Банк Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш ушбу Низомнинг 26-бандида назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади.
47. Кворум бўлмаганлиги сабабли Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.
48. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш "Банкнинг овоз берувчи битта акцияси - битта овоз" принципи бўйича амалга оширилади, Банк кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

VI. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

ИШЧИ ОРГАНЛАРИ

49. Банк Акциядорлари умумий йиғилиши ишчи органлари Кенгаш раиси, раёсат (президиум), саноқ комиссияси, котибдан иборат бўлади.
50. Банк Акциядорлари Умумий йиғилиши раёсати (президиуми) ва раиси акциядорлар умумий йиғилишида сайланади. Бунда Акциядорлар умумий йиғилиши президиуми таркибига лавозимига кўра Кузатувчи кенгаш раиси киради.
51. Акциядорлар Умумий йиғилиши раиси йиғилиш раёсатига (президиумга) бошчилик қилади, йиғилиш олиб борилишини таъминлайди ва бунинг учун у ўз вазифаларининг зарур тартибда бажарилиши учун зарур бўлган барча ваколатларга эга бўлади.
52. Акциядорлар умумий йиғилиши раиси йиғилишнинг боришига раҳбарлик қилади, Акциядорлар умумий йиғилиши ишчи органлари ишини мувофиқлаштиради, масалаларни муҳокама қилиш тартибини белгилайди, маърузачиларнинг нутқ сўзлашлари вақтини чегаралайди, йиғилишни олиб бориш ва овоз бериш давомида тушунтиришлар беради, йиғилишда тартиб ўрнатилишини назорат қилади.
53. Банк Акциядорлари умумий йиғилиш раиси умумий йиғилиш баёни ва қарорини имзолайди.
54. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Банк Кенгаши томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.
55. Саноқ комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши керак.
56. Саноқ комиссияси таркибига Банк Кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари, Банк бошқаруви аъзолари, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас.
57. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш пайтида саноқ комиссияси кузатувчи кенгашнинг топшириғига кўра қуйидаги функцияларини амалга оширади:
 - Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузади;
 - овоз бериш бюллетенларини ва умумий йиғилишнинг бошқа материалларини беради ва юборади, берилган (юборилган) бюллетенлар ҳисобини олиб боради.

58. Акциядорлар умумий йиғилишида акциядорларнинг олдинги умумий йиғилиши томонидан сайланган саноқ комиссияси куйидаги функцияларни амалга оширади:
- умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорларни (уларнинг вакилларини) рўйхатдан ўтказиши;
 - ишончномалар ва улар томонидан бериладиган ҳуқуқлар ҳисобини юритади;
 - овоз бериш бюлетенларини ва умумий йиғилишнинг бошқа ахбороти (материаллари)ни беради;
 - акциядорлар умумий йиғилиши кворуми мавжудлигини белгилайди.
59. Таркиби бўлиб ўтаётган Акциядорлар умумий йиғилиши давомида тасдиқланган саноқ комиссияси:
- акциядорларнинг умумий йиғилишида кворум бор ёки йўқлигини аниқлайди;
 - умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқларининг акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради;
 - овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради;
 - овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлайди;
 - овозларни санаб чиқади ва овоз бериш яқунларини чиқаради;
 - овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади;
 - овоз бериш бюллетенларини Банкнинг архивига топширади.

VII. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ

60. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорлари бажарилиши устидан назорат қилишни, башарти йиғилиш қарорида ўзгача ҳол қайд этилмаган бўлса ва баёнда акс эттирилмаган бўлса, Банк Кенгаши амалга оширади.
61. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари умумий йиғилишда ҳозир бўлган, шунингдек ҳозир бўлмаган барча акциядорлар томонидан, уларга тегишли қисми бўйича бажарилиши мажбурийдир.
62. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан давлат вакилининг иштирокисиз қабул қилинган қарорлар, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вето қўйилган қарорлар ижро этилмайди.

VIII. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

63. Банк Акциядорлари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Банк манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.
64. Айти пайтда Банкга зарар келтиришга сабабчи бўлган қарорга овоз беришда қатнашмаган ёки бундай қарорга қарши овоз берган Банк Акциядорлари жавобгар бўлмайди.
65. Акциядорлар Банкнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.
66. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Банкнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.
67. Агар акциядор узрли сабабга кўра акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган

бўлса, у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

68. Банк акциядорлари томонидан банк фаолиятига хавф туғдирадиган ҳаракатлар амалга оширилса ва бу ҳаракатлар банкнинг тўловга қобилиятсизлигига олиб келса, акциядорлар амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилишлари мумкин.

IX. БОШҚА ШАРТЛАР

69. Ушбу Низом кучга кириши билан, [“Асака” банк \(ОАЖ\) Акциядорлар умумий йиғилишининг 2009 йил 29 июндаги 2-сонли Баённомаси билан тасдиқланган ва 417-сон билан рўйхатга олинган “Асака” банк \(ОАЖ\) Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги” Низом](#)и ўз кучини йўқотади.

Киритилди:

Юридик бошқарма бошлиғи

М.Пулатова

Ҳазначилик Департаменти бошлиғи

И.Исканов

Келишилди:

Бошқарув аъзолари:

Бошқарув Раиси

А.Ахмедхаджаев

Бошқарув Раиси
Биринчи ўринбосари

Р.Касимов

Бошқарув Раисининг ўринбосари

О.Норинбаев

Бош бухгалтер

З.Галинова

Банкнинг инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаменти бошлиғи

Ж.Умаров

Иқтисодий таҳлил, стратегик ривожланиш ва методологик ишларни мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи

А.Бахромов